

Баходир Рахмонов



МУҚДДАСДИР ШОИР ДЕГАН НОМ

Илмий – оммабон қўллама

Тошкент
“Янги аср авлоди”
2008

Баходир Раҳмоновнинг "Муқаддасдир шоир деган ном" номли илмий-оммабоп қўлланмаси ҳақида кириш сўз

Б.Раҳмоновнинг мазкур қўлланмаси университет ва педагогика институтларининг филология факультетлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, ўқув режадаги "Жаҳон адабиёти тарихи" фанини ўқитишда жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Китобда XX аср шеърияти тарихида ёрқин из қолдирган оташнафас рус шоири Сергей Есенин ижоди ўзига хос йўсинда, изчил ёритилган. Айниқса, шоир ижодий портрети мухтасар мақолалар асосида берилиши китобнинг ўқимишли, оммабоп бўлишини таъминлаган.

Китобдаги айрим қисқа ўринлар, таҳлилга кирмаган шоирнинг дostonлари ёки адабиётшуносларнинг шоир ҳақидаги баҳсталаб мушоҳадаларини кейинги нашрларда тўлдириб бориш имконияти бор. Шунингдек муаллиф мавзунини ўрганишда зарур бўлган адабиётларни ҳам кўрсатиб ўтган, бу нарсани таълимий мақсадга мувофиқ келади.

Қўлланма юқори илмий-педагогик савияда тайёрланган, унинг чоп қилиниши филолог талабалар ва мутахассислар учун фойдали бўлади, деб ҳисоблайман ҳамда уни нашрга тавсия этаман.

Зухриддин Исомиддинов
Филология фанлари номзоди

Муқаддасдир шоир деган ном ҳақида сўз

Кольцов замонидан бери рус ери Сергей Есениндай табиий, сингишарли ва қадрдон шоирни ҳада этмаган эди", - деб ёзганди Борис Пастернак. Лекин Есениннинг ўзи бир шеърида "Менсиз ҳам шеърбознинг уруғи сероб", - дейди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳатто ҳамма даврда. Савол туғилади: шеърбоз ва шоир ҳар хил тушунчани англатадими? Агар шундай бўлса, шоир, яъни чинакам шоир ким? "Ҳақиқий шоир, - деб ёзади таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов, - замон ва ижтимоий муҳити билан юзма-юз туриб, ҳақиқатни ифодалашга қодир шижоатли шахс... Инсон фарзанди атроф ёлғон, алдов ва иллатларга тўлганлигини ўткир ҳис эта бошлаганида ҳақ сўз толибига айланади. Шунда у жасур шоирни кўмсайди. Бу - аслида ўзини шоир билиб, маъно кўлами тор, турли-туман юзаки гаплар билан қалбларни зада этган қанчадан-қанча қаламкашлардан бешиш, маълум бир авлод илғор вакиллари фикр ва юрак дардларини тоза оҳангларда акс эттиришга қодир шоир овозига эҳтиёждир. Шу маънода шоир - руҳий соғинч, имон фарзанди. Шоир курашган эътиқод кишиси бўлиб, ғам, умид бўёқларини тасвирда асло сохталаштирмайди, эл ва юрт номусини бадий сўзда муҳофаза қилиш учун, зарур бўлса, жонини қурбон беришдан ҳам қайтмайди. Шоир учун эса халқ ғурурининг муқаддаслигини улуғлаш, Ватан номусининг мусаффолигини сўзда ҳимоя қилишдан ортиқ жасорат ҳам, маҳорат ҳам йўқ". Бу каби ижодкорлар ҳар йилда ёки ҳар ўн йилда туғилавермайдилар. Туғилсалар ҳам миллатнинг шон шухрати ва бахти бўлиб дунёга келадилар. Сергей Есенин XX аср рус шеъриятига ана шундай ҳодиса сифатида кириб келди.

Қайсидир қишлоқда,
Ёдимда ҳам йўқ,
Рязанми, Калуга,
Хуллас, бир замон
Сочлари сап-сарик
Кўзлари кўм-кўк
Бир бола бўларди,
Отаси - деҳқон.
Ўсди, йигит бўлди,
Устига - шоир.
Ўзига яраша,
Иқтидори ҳам.

Ҳа, "Сочлари сап-сарик, кўзлари кўм-кўк", қишлоқлик деҳқон ўғли ўша давр рус миллатининг руҳиятини дардларини куйловчи шоир бўлиб танилди. Унинг ҳаёт йўли Чор Россиясининг ағдарилиши ва Шўро тузумининг ўрнатилиш даврларига тўғри келди. Айниқса, инқилобдан сўнг шоир ғоявий-руҳий зиддиятлар исканжасида қолади. Бу руҳий ҳолат унинг "Кетаётган Русь" шеърида бир қадар очиб берилган:

Нега советларни айблагайман,
Нега ундан ризо бўла олмадим?

дея савол қўяди шоир ва ёзади:

Чунки ўзгаларнинг курашида мен
Порлоқ ёшлигимни кўра олмадим.
Мен нималар кўрдим?
Жанг кўрдим фақат.
Қўшиқлар ўрнига
Тингладим сурон.
Қайга бош урай деб бесабру токат
Бутун курра бўйлаб югурдим гирён.

Есенин мана шу мураккаб ва қалтис бир даврда ҳаёти ва ижоди учун
энг тўғри йўлни ўз кўнглидан излади ва топа ола билди:

Лекин мен бахтлиман,
Бўронлар аро
Умрбод ўчмагай ҳислар тополдим.
Мен ўз тақдиримни мангу беором
Қуюнлар либоси бирла ёполдим.

Умрбод ўчмайдиган мана шу ҳис инқилобдан кейинги шоир ижодининг
ўзагига айланди. У ҳам бўлса ватанига ва халқига бўлган чексиз муҳаббат ва
садоқат туйғуси эди. Худди мана шу туйғу шоирнинг янги тузумга бўлган
муносабатини белгилади. Айниқса, чет элга қилган сафари унинг
дунёқарашига таъсир қилади, фикр-мулоҳазаларини қатъийлаштиради,
ватанидаги ютуқ ва камчиликларни янада чуқурроқ англаб етган ҳолда
хулоса чиқаришга ёрдам беради. "Менга аввал мен яшаган дунё кўрқинчли
даражада кулгили ва ўта ғалати туюлди, - деб қайд этади у чет эл сафари
ҳақида ёзган "Темир Миргород" очеркида. - "Тутаётган ватан",
қишлоқларимиз ҳақида ўйладим, ҳар битта мужикнинг кулбасида хашак
устида ухлаб ётадиган бузоқча ёки чўчка ва чўчкачаларни кўз олдимга
келтирдим, Германия ва Бельгиядаги шосселардан сўнг бизнинг ўтиб
бўлмайдиган лой йўлларимизни эсладим, сўнг ифлослик ва бит ёпишгандек
"Русь"га ёпишиб олганларнинг ҳаммасини сўка бошладим. Шу пайтдан
бошлаб мен қашшоқ Россияни ёмон кўриб қолдим. Азиз жаноблар! Ўша
кундан мен янада кўпроқ коммунистик қурилишни яхши кўра бошладим.
Мен ўз дostonларимдаги романтик каби коммунистларга яқин бўлмасам-да,
мен уларга ақлан яқинман, балки ўз ижодимда уларга яқин бўларман деб
умид қиламан".

1924 йил 20 июнда ёзган таржимаи ҳолида эса қуйидагиларни қайд
қилиб ўтади: Чет эл сафаридан сўнг мен ўз мамлакатимга ва ундаги

воқеликка бошқача қарай бошладим. Менга эндигина совий бошлаган кўчманчи ҳаётимиз ёқмайди. Менга цивилизация ёқади. Аммо мен Американи жуда ёмон кўраман. Америка шундай чириганки, унда нафақат санъат, балки инсониятнинг барча эзгу туйғулари йўқолади. Агар бугун Америкага ўхшашга интилсак, мен унда ўзимизнинг тунд осмон ва манзарани афзал кўрган бўлар эдим: озгина ерга ботган кулба, панжара, унда осилиб турган поя, узоқда шамолда думини ликиллатаётган ориқ тойчоқ. Албатта, булар Рокфеллер ва Маккармикалар курган осмонўпар бинолар эмас, аммо бу ерлар Толстой, Достоевский, Пушкин, Лермонтов ва бошқаларни улғайтирган ернинг айнан ўзидир".

Сергей Есениннинг шоир ва ёзувчи дўсти Анатолий Мариенгофга ёзган мактубларидан бирида яна шундай фикрлар бор: "У ёқдан, Москвадан туриб, Европа бизнинг шеъриятдаги ғояларимизни тарқатиш учун чексиз бозорга ўхшарди, энди эса бу ердан туриб кўряпман, ё худо! Шу маънода Россия нақадар гўзал ва бой. Бундай мамлакат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмасдек туюлади".

Биз юқорида кўчирмаларни кетма-кет ва узундан-узоқ беришимиздан мақсад шоир қалбини янада чуқурроқ ҳис қилиш эди. Сергей Есениннинг ўзи "юзни кўрмоқ қийин боқиб яқиндан, ҳар нарса йироқдан кўринар аён" деганидек шоир ўз юртининг ҳолатини йироқдан аён кўра олди. Қашшоқ бўлса ҳам кўнгли бор бўлган ватаннинг тараққиётини силжитаётган янги тузумга очиқ кўз билан қарай бошлади. Қишлоқ ва деҳқонлар манфаатини доимо устун тутиб келган шоир энди буюк ғоялар билан ижодга шўнғийди. Лекин... Шу ўринда яна "Кетаётган Русь" шеърига қайтамиз. Шоир ёзади:

Ҳаёлга чўмганча
Қулоқ солиб ул-
Юпун деҳқонлардан эшитаман сўз:
"Совет ҳукумати бизларга маъқул,
Кўпроқ бўлса қани энди мих ва бўз".

Шуми истак,
Шуми ҳаётдан талаб,
Бўлса бас буларга картошка ва нон.
Нечун мен кечалар бахтимни қарғаб,
Нечун тақдиримдан
Бўлдим пушаймон?

Рус қишлоқларидаги қашшоқлик, оғир ҳаёт деҳқонларни шу аҳволга солиб қўйганлигидан шоир изтироб чекади. Ҳатто "Замин дарғаси"нинг сиёсати ҳам, даҳолик қуёши ҳам ер куррасидаги бу каби совуқ ҳолатдан бунёд бўлган музни дарҳол эрита олмаётганлигидан афсусланади ва:

Шундан мен нолалик
Шеър овораси,

Шундан мен сержанжал
Ва ошуфтаҳол, - дейди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Есенин инқилобдан, айникса, чет эл сафаридан кейин ўша давр адабий сиёсатига маълум бир муддат жўровоз ҳам бўлди. Ҳатто шу тузум даҳолари ва фидоийларини улуғлаб алоҳида асарлар яратди ҳам, кейинроқ шоир "мен ҳеч кимнинг адабий сиёсатига кўшилмайман, - деб ёзади. -Менинг ундай сиёсатим алоҳида - мен ўзим".

Айни шу йилларда, яъни 1924-1925-йилларда Есенин жуда баракали ижод қилди ва ўзининг энг сара шеърларини яратди. Унинг "Ватанга қайтиш", "Кетаётган Русь", "Совет Руси", "Станслар", "Бобомга мактуб", "Аёлга мактуб", "Онамдан мактуб", "Жавоб", "Синглимга хат", "Ҳаёт йўлим" каби ўнлаб шеърлари, "Форс тароналари" туркуми, "Гуллар" номли фалсафий руҳдаги асари, "Қора одам" ҳамда "Анна Снегина" достони шоирнинг зиддиятга тўла ички руҳий дунёсини очиб берувчи, Ватанга ва халқига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини ифодаловчи, юракларга эзгулик олиб кирувчи, ҳайратлантирувчи ва ларзага солувчи, ўша давр аҳволидан, тузум сиёсатидан гувоҳлик берувчи, шоир қисматидан огоҳ этувчи, қолаверса, талантнинг адабиётдаги беқиёс баҳосини белгиловчи ижод намуналари сифатида шеърят хазинасидан мангу ва мустаҳкам ўрин олди.

Есениншунос олим Юрий Прокушев ҳақли равишда шундай ёзган эди: "Башарти Есенин "Совет Руси", "Кетаётган Русь", "Ватанга қайтиш"дан бошқа ҳеч нарса ёзмаганида ҳам унинг номи, шубҳасиз, ватан адабиёти тарихидан абадий жой олиши турган гап эди".

Есениннинг бадиий меросини кўйидаги тўрт унсур билан изоҳлаш мақсадга мувофиқдир: ватан, миллат, муҳаббат ва талант. Мана шу тўртта устунсиз шоирнинг шеърят қасри бу қадар мустаҳкам, бу қадар гўзал ва ҳайратланарли бўла олмасди. Гўзал бу шеърый қаср ичига кириб борганингиз сари шоир қиёфасини ўз ҳолича кўра бошлайсиз. Унинг руҳияти сизнинг ҳам чуқур ўйга солади:

Шоирлик дардига
Дучор бўлдим
Юрт кезиб кўнгилга
Изладим таскин.
На висол шавқ берди,
На ҳижрон, қайғу,
Ҳаёт алдоқлари
Қуритди ашким.

Русь асли нимадир,
Англадим шунда,
Англадим, нимадир
Шаън ила шавкат.
Ҳорғин юрагимга

Кунда ва кунда
Оғу бўлиб томди
Битта уқибат.
Менинг шоирлигим
Бир пул ўзимга.
Менсиз ҳам шеърбознинг
Уруғи сероб.
Ўлсам ҳайкал қўйманг
Рязанда менга,
Хаста бу руҳимга
Солманг изтироб.

Умрининг охирги йилларига мансуб шеърлардан шу нарсга аён бўлдики, шоирни ёлғизлик ва ўлимга интилиш кайфияти доимо безовта қила бошлаган. Мана шу безовталики унинг айрим шеърларида яққол сезилади. "Синглимга хат" шеърда шундай сатрлар бор:

Синглим!
Нақадар кам ҳаётда чин дўст,
Қўплардек менинг ҳам
Юрагимда доғ.
Агар нозик қалбинг
Толиққан бўлса,
Бунинг соз давоси-
Тинмоқ унутмоқ.

Давомидаги кейинги банд ўзбекча таржимада нимагадир қолдириб кетилган. У қуйидигича:

Тў Сашу знаешь.
Саша бўл хороший.
И Лермонтов
Бўл Саше по плечу.
Но болен я...
Сиреневой порошей
Теперь лишь только
Душу излечу.

Эътибор қилсангиз бунда Пушкин ва Лермонтов эслатиляпти. Бу икки шоир дуэл сабабли ҳаётдан жуда эрта кетишган. Қўнгли хаста шоирнинг аҳволи ҳам улардан яхши эмас:

Сенга ачинаман,
Ёлғиз қоларсан.
Мен эсам тайёрман

Дуэлга ҳатто.

Шу ўринда XX аср русининг яна бир истеъдодли шоири Борис Пастернакнинг Евгений Евтушенко: "Шеърларингизда ўзингизнинг фожиали ўлимингиз тўғрисида башорат қилманг. Сўзнинг қудрати шундай бўладики, ўзингиз сезмаган ҳолда ўша башорат томон яқинлашиб бораверасиз" деган сўзлари ёдга келади.

Сергей Есениннинг замондоши ёзувчи Леонид Леоновнинг куйидаги фикри балки ҳақиқатга яқинроқдир: "Сергей Есенин ўзининг мужик ватанини беҳад яхши кўрар эди. У мана шу ватанини ҳаддан зиёд ардоқлар эди, эҳтимол, уни шу севгиси ўлдиргандир".

Яшанг, ўсинг, ёшлар!
Соғ бўлинг, дуркун.
Мен ўзга оламман, сиз ўзга олам.
Узоқ эллар томон йўл олгум бугун
Мангуга кўмилган қалбимда алам.

Лекин йиллар ўтиб
Оламда бир кун
Йўқолганда ёлғон,
Кулфат ва уруш.
Куйлайман дунёнинг
Олтидан бирин,
Мухтасар ном билан
Атаб уни "Русь!"

Ҳа, Сергей Есенин ўзининг беқиёс ва такрорланмас ижоди билан шоир деган номни муқаддаслаштира олган шеърят жонкуярлари қаторида доимо қадрли бўлиб келади. Шуниси қувончлики, шоир нафақат ўз шеърларида, балки унга бағишланган юзлаб шеърларда ҳам яшамоқда. Бу эса шоирга бўлган самимий ва чексиз муҳаббатнинг ифодасидир. Биз ҳам бир шоирнинг куйидаги шеъри билан яқунлашни маъқул топдик:

Ким куйласа ватан дардида,
Азиз эрур ҳар битта калом.
Токи миллат яшаркан шеърда
Муқадасдир шоир деган ном.

Баҳодир Раҳмонов

Филология фанлари номзоди